

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

«O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

100124 Toshkent sh. M. Ulug'bek t. Feruza mavzesi 15A

Tel: 78 148-80-00 Faks: 148-80-00

e-mail: uzges@uzgidro.uz

сайт: uzbekgidroenergoqurilish.uz



REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JOIN STOCK COMPANY

«UZBEKGIDROENERGOKURILISH»

100124 Tashkent city, M.Ulugbek district, Feruza array, 15A

Phone: 78 148-80-00 Fax: 148-80-00

e-mail: uzges@uzgidro.uz

site: uzbekgidroenergoqurilish.uz

№ 01-12/830 «12» 06 2021 y.

**“Ўзбекгидроэнергоқурилиш”
АЖ Кузатув кенгаши раиси
Х. Хайдаровга**

“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини кўриб чиқиш масаласи юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун ҳужжатлар тўплами юборилмоқда.

Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган соф фойдани тақсимотини кўриб чиқишда қуйидагиларни инобатга олишингизни сўраймиз.

2020 йил жаҳон иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган COVID-19 коронавирус инфекцияси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан кўплаб корхона ва ташкилотлар сингари, “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ ҳам коронавирус инфекцияси туфайли кўплаб иқтисодий қийинчиликларга дуч келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5969 Фармони ва 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги” ПФ-5978 Фармони орқали ҳукумат томонидан республиканинг кўплаб корхона ва ташкилотларига улкан иқтисодий ва молиявий кўмак ва имтиёзлар берилди. Мазкур Фармонлар билан тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарнинг кредитлари бўйича тўловларини 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш имкониятлари яратиб берилди.

“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ ушбу Давлат томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, “Туронбанк” АТБ билан 2018 йил 31 май куни 71-сонли жами 6.111.849,0 АҚШ долларни ташкил қилувчи ёпиқ линияли кредит бўйича олинган кредитнинг асосий ва фоиз тўловларини жорий йилнинг 1 апрелига қадар босқичма-босқич кечиктириб тўлашга эришилди.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб жамият томонидан олинган кредитларнинг фоиз тўловлари учун ўртача бир ойлик тўловлар суммаси 200,0 млн. сўмни ташкил этмоқда.

“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 26 майдаги 15-сон баёни асосида жамиятга қўшиб олинаётган “ЧорбоғГЭСқурилиш” ва “Автотранспортэнергоқурилиш” унитар корхоналари ҳамда “Сирдарёгидроэнергомонтаж” МЧЖдан кутилаётган зарар миқдори эса 3-4 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖнинг иқтисодий ҳолатини қайта тиклаши ва самарасиз ишлаётган корхоналарни қўшиб олиш натижасида кутилаётган зарарни салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Сиздан, 2020 йил молиявий натижалари асосида ҳосил бўлган соф фойданинг 76,0 фоизини, яъни 751,5 млн. сўмини жамиятнинг кредит фоизлари тўлови ҳамда “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ жамиятга қўшиб олинаётган корхоналар хисобидан кутилаётган зарарни қоплашга йўналтириш масаласини кўриб чиқишингизни сўраймиз.

Бош директор



С. Юсупов